

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА  
“БАРҚАРОРЛИК РЕЙТИНГИ”НИНГ АҲАМИЯТИ”

*Нурматов Шерзод Рустамович-*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

Мамлакатимизда саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бундан асосий мақсад тизимни рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берадиган янги технологиялар билан таъминлашдир.

Бунинг натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда талаб ортиб боради. Бунда эса тадбиркорлик субъектларига берилаётган енгилликлар ҳамда солиқ имтиёзларининг иқтисодий аҳамияти каттадир.

Д.А.Балаева ва А.К.Дзарасовалар солиқ имтиёзига солиқ механизмининг элементи сифатида қарашади. Ушбу муаллифнинг фикрича, солиқ имтиёзлари механизмларининг ишлаб чиқилмаганлиги улардан самарасиз фойдаланишга ёрдам беради [1].

Б.А.Федосимовнинг ёзишича, солиқ имтиёзларини қўллаш бўйича жаҳон тажрибасида ягона универсал усул ва механизmlар ишлаб чиқилмаган, кўп нарса миллий ва минтақавий омиллар ва чекловларга боғлиқ: иқтисодий, сиёсий, иқлимий, тарихий ва бошқалар [2]. Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир мамлакат ўзларининг солиқ имтиёзи механизмини шакллантириши ва таколмиллаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тадбиркорлар фаолиятини баҳолаб борувчи, уларга ўзига хос енгиллик ва устунликлар берувчи барқарорлик рейтинги жорий этилди [3].

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

Тадбиркорларнинг таклифлари асосида бизнес учун шароитларни тобора яхшилаб боряпмиз. Яқинда қабул қилинган қарорлар билан 16 та лицензия ва 34 турдаги ҳисоботни бекор қилинди. Тадбиркорлар синфи жамиятда етакчи кучга айланмоқда, ёшлар уларга қараб интилмоқда. Энди ушбу рейтинг орқали тадбиркорлар ўртасида қонунларга итоат қилиш, интизомли ва ҳаракатчан бўлишни рағбатлантириш зарур. Буни жорий қилиш ва самарадорлигини тъминлашда Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат кенгашининг ўрни катта бўлиши керак [4].

Тадбиркорлик фаолияти учун Рейтинг жорий қилиниши ўзига хос рағбат бўлди. Унга кўра, тадбиркорлар фаолият даври, рентабеллик даражаси, тўлов интизоми, ахоли бандлигидаги ўрни ва иш ҳақи каби 23 та мезон асосида 4 та тоифага ажратилади. Бу солиқ, адлия ва суд органлари маълумотлари асосида шаклланади. Ҳар бир тадбиркор ўз ўрни ва баҳосини реал вақтда билиб бориши мумкин бўлди.

рейтинг доирасида тадбиркорлик субъектлари қуйидаги тоифаларга ажратилади:

- «AAA», «AA» ва «A» тоифалар — юқори барқарорлик рейтинги;
- «BBB», «BB» ва «B» тоифалар — ўрта барқарорлик рейтинги;
- «CCC», «CC» ва «C» тоифалар — қониқарли барқарорлик рейтинги;
- «D» тоифа — қуи барқарорлик рейтинги;

Юқори барқарорлик рейtingидаги тадбиркорлик субъектлари учун қуйидаги рағбатлантириш чоралари жорий этилди:

- «AAA» тоифадаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятида солиқ текширувлари ўтказилмайди (жиноий ишлар доирасида ўтказиладиган текширувлар бундан мустасно), шунингдек, ушбу тоифадаги тадбиркорлик субъектларига қўшилган қиймат солиги суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш) бир кун муддатда текширувларсиз амалга оширилади;

- 4 ва 5-тоифадаги туманларда фаолият юритаётган «AA» ва ундан юқори тоифадаги тадбиркорлик субъектларига бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

участкалари бўйича дастлабки тўлов суммаси 35 фоиздан кам бўлган ҳолларда қолган суммага Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдорида йиллик фоизлар ҳисобланмайди ҳамда бўлиб-бўлиб тўлаш муддати миқдоридан қатъи назар, 7 йил (тeng улушларда) этиб белгиланди;

- «А» ва ундан юқори тоифадаги тадбиркорлик субъектларига:

солиқлар бўйича (қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно) мавжуд ортиқча тўлов суммасини қайтариш уч кун муддатда амалга оширилади;

товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартиби татбиқ этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 январдаги Қарори билан “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди [5].

Рейтингни аниқлаш бўйича бажарилмаган мезонлар тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилган заҳотиёқ тегишли баллар қўшилиб борилади ёки аксинча мажбуриятларни бажариш муддати ўтган заҳоти баллар чегирилади.

Эътиборлиси, рейтингда тадбиркорлар учун рағбатлантирувчи мезонлар ҳам мавжуд. Яъни тадбиркорлик субъектлари томонидан “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва ижтимоий реестрдаги, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаганда рейтингда қўшимча баллар берилади. Шунингдек, ўтган ҳисбот даврига нисбатан ходимлар сонининг ортиши, қўшилган қиймат солиғи ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича бир ойлик ҳисобланган солиқ суммасининг фаолият турларига мувофиқ ўртача нисбати ҳам инобатга олинади.

Ўз навбатида, балларни камайтирувчи бир қатор омиллар ҳам мавжуд. Жумладан, охирги 12 ой давомида маълумотлар базасидан ҳисобда турган жойининг ўзгартирилиши, таъсисчиси ёки раҳбарининг ишончсизлиги, тақдим этилган солиқ ҳисботларига солиқ тўловчининг ўзи томонидан

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

ихтиёрий тузатишлар киритилиши, кўшилган қиймат солиғи тўловчисининг маҳсус гувоҳномаси ҳолати, маҳсулот ва хизматларнинг идентификация кодларидан нотўғри фойдаланиш, солик қарзининг мол-мулк ҳисобидан ундирилишига қаратилганлиги ҳамда тадбиркорлик субъектларининг кредиторлик қарздорлиги охирги 12 ой давомида суд орқали ундирувга қаратилган бўлса, ўз-ўзидан рейтингда балларнинг йўқотилишига сабаб бўлади.

Бир сўз билан айтганда, барқарорлик рейтинги бу тадбиркорларнинг тўғри ва ҳалол фаолият юритиб, ўзи учун ўзи имконият эшикларини очиши, кўплаб солик имтиёзларидан фойдаланиб, ривожланиши учун хизмат қиласи. Зоро, қонуний фаолият юритган тадбиркор доимо қонун ва давлат ҳимоясидадир.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Балаева Д.А., Дзарасова А.К. Анализ результативности применения налоговых льгот как элемента налогового механизма. Налоги и налогообложение. 9 (135).2015.
2. Федосимов, Б. А. Правовой режим налоговых льгот по законодательству Российской Федерации: монография / Б. А. Федосимов. – Чебоксары: ИД «Среда», 2019. – 152
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-39-сон қарори.
4. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 15 январь куни тадбиркорларнинг барқарорлик рейтингини жорий қилиш бўйича тақдимотидаги маърузаси.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 январдаги “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги қарори.